
Бағдод туман прокурори эҳтиёжманд оилаларга 100 кг. дан буғдой тарқатилиш ташаббусини амалга оширди.

Бағдод туман прокурори, 2-сектор раҳбари Акмалжон Хасанов ташаббуси билан сектор ҳудудидаги Мурувват, Қўшчиноқ, Қашқармакей, Пахтаобод, Бағдод, Мехнатобод, Саидобод ва Самарқанд маҳалла фуқаролар йиғинидаги 300 нафардан ортиқ “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”ларга рўйхатга олинган фуқаролар, ишсиз ҳамда эҳтиёжманд оилаларга 100 кг. дан буғдой тарқатилди.

Юртимизда ҳамisha ўзарo меҳр-оқибат, саховат, азалий қадриятларимизни эъзoзлаш каби халқимизга хос эзгу фазилатлар улугланиб келинган. Эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёши улуг инсонларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда ҳам бу каби эзгу ишлар давом этмоқда.

Айни пайтда саховатли фермерларимиз томонидан ҳудудлардаги эҳтиёжманд оилаларга буғдой ва сомон преслар берилмоқда.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (https://t.me/bagdodim_news)
2024-07-02 10:46:38